



TOSHKENT VILOYATI YANGIYO'L TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI MUDIRINING BUYRUG'I

28«9»2022 yil.

194-10-146-ХТ/2022-son

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир пудрат шартномаси

№ 5

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Янгийул туман Халқ таълими бўлими** номидан Низом асосида иш кўрувчи (устав, низоми, ишончнома) **А.Халиқов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"MEVALI QURILISH"** mas'uliyati cheklangan jamiyati номидан Низом (устав, низоми, ишончнома) асосида иш кўрувчи **У.М.Эргашев** иккинчи томондан **44-мактаб биносини жорий таъмирлашга** доир мазкур пудрат шартномасини тузилди.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан бирга иккида объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспорتلар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъудиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилинган ишларнинг сифатини тасдиқловчи, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вакцинчалик ишбошлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва ишбошлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва анққлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавдуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Янгийул туманидаги 44-сонли умумтаълим мактаб биносини жорий таъмирлаш** лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (Энг яхши таклифни танлаб олиш) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг Қарори (24.09.2022 йилдаги 151802-нр баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **27 500 000 (Йигирма етти миллион беш юз минг) сўми**ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга сениб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномала ҳамда унга I-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

I-иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида агроф мухитини, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

VI. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага I-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функциялари ривож этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига I-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% яъни 8 250 000 (Саккиз миллион икки юз эллик минг) сўм миқдорига олдиндан тўловни амалга оширилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70 фоизигача доirasида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган Қурилиш тугаллангандан кейин икки босқичда тўланганидан миқдор фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида - ишлар қийматининг камида 70 фоизи миқдориди;
мазкур шартномада белгиланган кафолатли мuddат тамом бўлгандан кейин-ишлар қийматининг 3 фоизигача миқдориди, бироқ молия йили тугамастан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғинишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган мuddатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектада ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектада ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тушроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тушроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун мuddатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландлиқлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақтайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 3 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг инсталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчишари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-банднинг иккинчи ҳаёбосида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилинган муддатларда тўзата олмаса, Пудратчи уларни тўзатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлақларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юртайди. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабаларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилгани санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган саноовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхlab қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланганидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланганини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қиёман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиғи ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қилиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қиёман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда қайта ўзайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида қилиш олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган қуилан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 2 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўлими амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилиниши ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мудқига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:
барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш метёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва усқуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-усқуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган қундан бошлаб қамда 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолатли муддати қамда Объектни том қисми қафолат муддати ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

шартнома қучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадаллига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қаладиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарини, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 0.7 фонидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.1 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 0.3 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2 фоизи микдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.3 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишазорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.2 фоизи микдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Коррупцияга қарши курашиш бўйича бандлар

66. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга қарши курашиш қондаларига, шу жумладан амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди; уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани бажариш бўйича пора бериш ёки олиш, порахўриқда воситачилик қилиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора беришдан воз кечишларини таъминлаш ёки моддий ёки номоддий фойда олиш ҳамда томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўришни қафолатлайди.

67. Коррупцияга қарши кураш қондалари бузилган ёки асосли шубҳалар юзага келган тақдирда томонлар бир-бирларини дарҳол ёзма равишда (антисоррупцион@укс.уз) электрон почта орқали ёки телефон орқали (+9978-140-74-48) хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма тушунтириш талаб қилишга ҳақли. Мурожаатни қабул қилган Томон еса 10 (ўн) иш кун ичида ўз фикрини билдириши ёки изох бериши мумкин.

68. Ушбу банддаги талаблар бажарилмаганда, шу жумладан, коррупция хавфини белгиланган муддатда бартараф этиш, тарафлар томонидан коррупцияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келадиган чоралар қўрилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туришга ҳақли.

69. Ушбу бандда назарда тутилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган тарафга етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг 5-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бандда назарда тутилган мажбуриятларни бузган томон шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарлар учун компенсацияни талаб қилишга ҳақли емас.

XVII. Алоҳида шартлар

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотди.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгартриш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашни керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи:

Янгийўл туман Халқ таълими бўлими

Манзил: Янгийўл тумани Гулбахор қўргони
Х/р: 401722860272597092100075002
Ҳазначилиги х/р: 23402000300100001010
ИНН: 201122919 ИНН: 200588118
Банк: Тошк.ш., МБ ХККМ.
МФО: 00 014

Рахбар: _____ А.Халиков


Пудратчи:

"MEVALI QURILISH" МЧЖ

Манзил: Самарқанд вил. Пастдарғом тумани,
Х/р: 20 208 000 000 302 445 001
ИНН: 302 928 298
МФО: 00 282
Банк: "Турон Банк" АТИБ Самарқанд филиал

Рахбар: _____ У.М. Эргашев



	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	AKROM XALIKOV ALISHEROVICH
	Imzolangan sana	28 сен 2022 15:37
	Hujjat kodi	QJ4201551136
	Hulosa kodi	KG1780200244

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Pastdarg'om tumani
hokimligi
Tadbirkorlik sub'ektlarini
ro'yxatdan o'tkazish
INSPEKSIYASI



Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Пастдарғом тумани
ҳоқимлиги
Тадбиркорлик субъектларини
руйхатдан ўтказиш
ИНСПЕКЦИЯСИ

ЮРИДИК ШАХСНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами: 996

№ 371

« 24 » апрел 2014 йил

Мазкур гувоҳнома юридик шахс «MEVALI QURILISH» масъулияти чекланган
жамияти

га

(узбек тилидаги тулик номи)

(юридик шахс булган деҳқон хужаликлари, фермер хужаликлари учун
ажратилган ер участкаси ва унинг майдони курсатилади)

берилган.

Ташкилий ҳуқуқий шакли:

ТХШ 1153

Мулкчилик шакли:

МШ 142

Почта манзили:

МҲОБТ 1718227880

Юридик шахс коди:

КТУТ 25149140

Тармоқ коди:

ХХТУТ 61110

Солиқ туловчининг

СТИР 302928298

идентификация рақами:

Қўшимча маълумотлар:

Изоҳ:

М.У.

Ваколатли орган раҳбари:

Б.Суванов.

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 151802 на приобретение Текущий ремонт общеобразовательных школы.

Способ проведения электронный

Дата 24.09.2022

Время рассмотрения 24.09.2022 17:34

Закупочная комиссия Янгийул туман Халк таълими бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XALIKOV AKROM ALISHEROVICH	Комиссия раиси	Янгийул туман Халк таълими бўлими
Секретарь комиссии	ABDUMOVLONOVA AZIZA SAIDGANIYEVNA	Котиба	Янгийул туман Халк таълими бўлими
Член комиссии	ABDUXAKIMOV ANVAR UMIRZAKOVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул туман Халк таълими бўлими
Член комиссии	DADAJANOV ABDUJALOL JURABAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул туман Халк таълими бўлими
Член комиссии	ABDASHEV BOTIRBEK UBAYDULLAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул тумани Халк таълими бўлими
Член комиссии	MIRAXMEDOV ERGASHIVAY ERKINBAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул тумани Халк таълими бўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.09.2022 года № лота 151802.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	Текущий ремонт общеобразовательных школы №44, расположенных в Янгийульского района, Ташкентской области.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 610 000.00
Стартовая сумма	27 610 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Банкдан маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотга хизмаф кўрсатувчи банкдан бир йиллик касса айланмаси ва К2да қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEVALI QURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH	20	бор	15	Экспертная		

Критерий №2 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEVALI QURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH	20	бор	15	Экспертная		

Критерий №3 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини бажариш учун техникалар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEVALI QURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH	20	бор	15	Экспертная		

Критерий №4 Кафолат хатлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиха сметага асосан жорий таъмирлаш ишларни сифатли бажариш тўғрисида ва танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатлари.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEVALI QURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH	20	бор	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MEVALI QURILISH MCHJ	27 610 000.00	27 500 000.00 UZS	27 500 000.00	00.00	27 500 000.00	22.09.2022 15:12:42	20
MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH	27 610 000.00	27 600 000.00 UZS	27 600 000.00	00.00	27 600 000.00	22.09.2022 18:55:08	19.92754

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MEVALI QURILISH MCHJ	80	20	100
MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH	60	19.92754	79.92754

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 151802 от 24.09.2022 года на приобретение Текущий ремонт общеобразовательных школы. определила победителем:

MEVALI QURILISH MCHJ
302928298

и резервный исполнитель: MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH (306816933)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XALIKOV AKROM ALISHEROVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUXAKIMOV ANVAR UMIRZAKOVICH	Согласен	
Член комиссии	DADAJANOV ABDUJALOL JURABAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDASHEV BOTIRBEK UBAYDULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRAXMEDOV ERGASHVAY ERKINBAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi:

Shartnomaga

2. Loyihaning nomi.

"MEVALI QURILISH" mas'uliyati cheklangan jamiyati va Yangiyul tuman Xalk ta'limi bo'limi bilan Yangiyul tumanidagi 44-sonli umumta'lim maktab binosini 27 500 000 (Yigirma yetti million besh yuz ming) so'mlik joriy ta'mirlash to'g'risida.

3. Loyiha taqdim etuvchi to'g'risida malumot: Loyiha Yangixayot tuman xo'jalik xisobidagi dezinfeksiya stansiyasi hamda Yangiyul tuman Xalk ta'limi bo'limi tomonidan Markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 26.09.2022 yilda kiritilgan, hujjat raqami QJ4201551136.

4. Ushbu shartnoma loyihasi fuqarolik kodeksi hamda 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli "Xojalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi. Shuningdek, loyihaga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilganda, Xalk ta'limi bo'limi xarid komissiyasining O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "DAVLAT XARIDLARI TO'G'RISIDA"gi Qonunining 62-moddasi talabiga ko'ra o'tkazilgan tanlashni o'tkazish natijalariga asosan tuzilgan bayonnomasi 24.09.2022 yildagi № 151802- Lot orqali "MEVALI QURILISH" mas'uliyati cheklangan jamiyati g'olib deb topilgan.

Shartnoma loyihasida Korruptsiyaga qarshi qoidalarining asosiy shartlari qo'yilgan.

Xarid komissiyasining faoliyatining tashkil qilinishi hamda baholash mezonlarining to'g'ri o'tkazilganligi hamda komissiya a'zolarining elektron ovoz berishdagi ishtiroki to'g'risidagi masalalar yuzasidan shaxsiy mas'uliyat xarid komissiyasi raisi va a'zolarida ekanligi tushuntiriladi;

Bundan tashqari, loyiha taqdim etuvchiga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 28 fevraldagi PQ-594-sonli "Davlat budjetining g'azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori talablari asosida G'aznachilik bo'limidan majburiy tartibda ro'yxatdan o'tkazish lozimligi, ushbu shartnoma ro'yxatdan o'tkazilgandan so'ng kuchga ega bo'lishi to'g'risida ma'lum qilinadi.

4.Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Izoh: Shartnomaning moliyaviy jihati bilan bog'liq masalalar huquqiy ekspertiza predmetiga kirmaydi.

Yangiyul tumani adliya bo'limi
yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi boshligi



S.Djamalov
27.09.2022



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Янгийул туман Халқ таълим бўлими
А.Халиков

БАЁННОМА № 9

Янгийул туман

" 28" сентябрь 2022 йил

Раислик килувчи:
Янгийул туман Халқ таълим бўлими: А.Халиков

Қатнашчилар: _____ комиссия аъзолари
(А.Дадажонов, А.Абдухакимов, Э.Мирахмедов, Б.Абдашов,)

ҚУН ТАРТИБИ

Янгийул тумани ҳудудида жойлашган Янгийул туман Халқ таълими тасаруфидаги 44-мактабда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш.

2022 йил 24 сентябрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "Янгийул тумани ҳудудида жойлашган Янгийул туман Халқ таълими тасаруфидаги 44-мактабда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш. буйича" баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан Мевали қурилиш МЧЖ ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги УРК, 684-сон Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилган баённома буйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 24 сентябрдаги баённомасига асосан Мевали қурилиш МЧЖ ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

А.Дадажонов
А.Абдухакимов
Э.Мирахмедов
Б.Абдашов
А.Абдумавлонова.